

«Омул»дан ясалган нисба. «Омул» исмли икки мавзеъ мавжуд бўлиб, шулардан биринчиси — Табаристон «Омул»и. У Табаристондаги энг катта шаҳар бўлиб, ислом бу ерга илк дафъа кириб келганда, бу ердаги аҳолидан икки минги куролланган эди. Иккинчиси — Жайхуннинг ал-Офироний «Омули». Бу ҳам Марвдан Бухорога олиб борувчи йўл устида, Жайхуннинг гарб қисмида жойлашган машҳур шаҳардир. Уни «Омули замм», «Омули Жайхун», «Омули-л-мафоза» («Сахро Омули») ва «Омули-ш-шатт» («Сохил Омули») деб атайдилар. Куйидаги олимлар шу кишлоқдан етишиб чиққан:

1.□□□ Ахмад ал-Омулий (333-421/944-1030)

Ахмад ибн ал-Хусайн ибн Хорун ибн Мухаммад ал-Хасаний ал-Омулий — Аллох таолога каттик суянувчи имом, тилшунос, нахшунос ва фикхшунос олим бўлган. Куръоний илмлар ва шеърият билан шугулланган. Табаристон Омулида тугилган ва халифаликка байъат қилинган. Арафа куни Билинхода вафот этган. У тасниф қилган асарлардан: «Шарху-т-тажрид» («ат-Тажрид» шархи), «Китобу-л-ифода» («Ифода китоби») (17: 1/130).

2.□□□ Ахмад ат-Табарий (ваф. 275/888 й.)

(Абу Абдуллох) Ахмад ибн Мухаммад ат-Табарий ал-Омулий ал-Халилий — муҳаддис бўлган, уни «Гулом Халил» деб атаганлар. Бағдодда яшаган ва шу ерда ҳадис айтган. У тасниф қилган асарлардан: «ал-Вусул ила маърифати-л-ус ул »

(«Усулни англаб етиш йўллари»), «ал-Кашф» («Кашф»), «Фазоилу амири-л-муъминийн алайҳиссалом» («Амиру- л-муъминийн алайҳис- саломнинг фазилатлари») (17: 1/270).

3.□□□ Жавод ал-Омулий (ваф. 1303/1886 й.)

Жавод ал-Омулий аш- Шиъий. Унинг «Минхожу- л-киром» («Иззат-икром кўрсатиш дастури») номли асари бўлган (17: 1/509).

4.□□□ Ал-Хасан ат-Табарий (698/1299 йилда ҳаёт бўлган)

(Имодуддин) ал-Хасан ибн Али ибн Мухаммад ибн Али ибн ал-Хасан ат- Табарий ал-Мозандароний ал-Омулий ал-Астрободий — мутакаллим ва усул ал- фикх билан шугулланган олим бўлган. У тасниф қилган асарлардан: «Асрору-л-имомат» («Имомлик сирлари»), «Муъжизату-н-набий ва- л-аъимма» («Пайгамбар- нинг муъжизалари ва имомлар»), «ал-Минҳаж фи фикхи-л-ибодат» («Ибодатга оид фикх ҳақидаги дастур»), «Накзу-л-маъожим ли Фаҳриддин ар-Розий» («Фаҳруддин ар-Розийнинг асаридаги мавҳум жумлаларга ойдинлик киритиш ва ножоиз ҳукмларни инкор этиш»), «Нахжу-л-Фурқон ила ҳидояти-л-имон фи-л-фикх» («Фикҳдаги соғлом имонга олиб борувчи куръоний йўл») (17: 1/ 572).

5.□□□ Хайдар ал-Омулий (770/1368 йилда ҳаёт бўлган)

Хайдар ибн Хайдар ал- Хусайний ал-Омулий — мутасаввиф бўлган. Унинг «Манбаъу-л-асрори-л-илоҳия бирасми-л-хуфрати-л- жалолия фи-т-тасаввуф» («Тасаввуф ҳақидаги жалолӣ жох расми билан боғлиқ илоҳий сирларнинг манбаи») номли асари бор (17: 1/ 663).

6.□□□ Хайдар ал-Омулий (787/1385 йилда ҳаёт бўлган)

Хайдар ибн Али ибн Хайдар ибн ал-Алавий ал-Хусайний ал-Мозандароний ал- Омулий — кўпроқ Омулий нисбаси билан танилган муфасссир, муҳаддис, факих, суфий ва мутакаллим. У тасниф қилган асарлардан: «ал- Мухит ал-аъзам фи тафсири-л-Куръони-л- карим» («Куръони карим тафсири ҳақидаги улкан уммон»),

«Фассу-л-фусус фи шархи фусуси-л- хикам» (Ибн ал- Арабийнинг «Фусусу-л- хикам» асарини шархлаш хакидаги нодир дурдоналар»), «Жомӣъу- л-асрор» («Сирлар хазинаси»), «Манъу-л- анвор фи-р-риёз фи илми-т-тажвид» («Тажвид илмидаги бўстонларга нурлар таратишни ман этиш»), «Талхису-л- истилохоти-с-суфия» (ал- Кошоний каламига мансуб «Тасаввуф истилохот-лари» асарининг кискача мазмун-мохияти»), «ал- Бахр ал-хизам фи тафсири Куръони-л- аъзам» («Куръони аъзам тафсири хакидаги уммоний бахр») (17: 1/664).

7.□□□ Иззуддин ал-Омулий (X х.а./XП м.а.)

Иззуддин ал-Омулий — олим ва факих бўлган. Али ибн Хилол ал-Жазоирийдан илм ўрганган. У таълиф килган асарлардан: «Шарху нахжи-л-балога» («Нахжу-л-балога» асари- га шарх»), «ар-Рисола ал- хусайния фи-л-усули-д- диния» («Диний асослар хакидаги Х,усайний рисоласи») (17: 2/375).

8.□□□ Али ал-Омулий (1298-1355/1881-1937)

Али ибн Ахмад ибн ал- Х,усайн ал-Х,усайний ал- Алавий — «Мумтозу-л- уламо» — «Уламоларнинг сараси» (Абулхасан) лакаби билан машхур бўлган факих. Келиб чиқиши жихатидан Омулга Мансуб бўлган имом. Бомбейда таваллуд топган. Маълум бир муддат Карбалода истикомат .килиб, у ердаги уламолардан илм ўрганган. Хиндистоннинг Лакхнав шаҳрида вафот этган. Унинг асарларидан: «Китоб фи-л-фатово» («Фатволар хакидаги китоб»), «Расоил фи-л- ижтиход ва исботи-н- нубуввати ва-л-имомат» («Ижтиход, пайгамбарлик ва имомликни исботлаш хакидаги рис олалар ») (17: 2/392).

9. Али ал-Омулий (1220-1306/1805-1888)

Али ибн Курбон Али ибн Косим ибн Мухаммад ибн Али ал-Омулий ал- Киний — асли келиб чиқиши Мозандарондаги Омулдан бўлган олим, лекин баъзи боболари Техроннинг шимолидаги Кин кишлоғида муқим яшаганлар. У ҳам Кинда тугилиб, шу ерда ўқиш-ёзишни ўрганган. Сўнгра Ирокка кўчиб борган ва у ердаги ахли илмга мансуб фозилу фузалолар хузурида илмини камолига етказиб, ижтиход кишига ижозат олган. Сўнгра Техронга қайтиб борган ва у ердаги хосу омнинг ишончини қозонган. Одамлар ундан ўрнак олганлар. Мухаррам ойининг 27 куни вафот этган. Унинг асарларидан: «Талхису-л-масоил фи-л- фикх» («Фикхий масалаларнинг кискача мазмун-мохияти»), «Тахкику-л-далоил» («Далилларни текшириб кўриш» деб номланган шарх), «Тавзиху-л-макол фи илми-д-дирия ва-р- рижд» («Билиш илми ва одамлар хакида айтилган фикр-мулохазаларнинг баёни») (17: 2/471).

10.□□□ Мухаммад ал- Омулий (ваф. 750/1349 й.)

(Шамсуддин) Мухаммад ал-Омулий — ақлий ва нақлий илмлар билан шугулланган олим. У Шерозга ташриф буюрган ва тахм. 750 х.й.да вафот этган. У тасниф килган кўпгина асарлардан: «Нафоису-л-фунун ва ароису-л-уйун» («Илм- фаннинг нафис жихатлари ва манбаларнинг келин- чаклари»), Муаллиф мазкур асарда илм- фаннинг усул ал-фикх, фуруъ ал-фикх, манхул ва маъкул каби барча соҳаларини жам килган (17: 3/139).

11.□□□ Мухаммад ат- Табарий (ваф. 525/1131 й.) Мухаммад ибн Абулкосим ибн Мухаммад ибн Али ал-Омулий, ал- Кажий ат-Табарий аш- Шиъий ал-Имомий — Бағдодда муқим яшаб қолган фозил инсон (Имодуддин). Абу Али ат- Тусийдан илм ўрганган ва тахм. 525 х.й.да вафот этган. Унинг асарларидан: «Бишорату-л-Мустафо ли-шиъати-л-Муртазо» («Муртазо Алининг шиъалиғи хакидаги Пайгамбар башорати»), «Шарху масоили-з-зариъа, аз-зуҳд ва-т-такво» (Оқлаш, зуҳд ва такво - шарх), «ал-Фарж фи-л-авкот ва-л- махраж би-л-баййинот» (Қуёшнинг чиқиши аниқ кўриниб турган вақт билан бошқача услубда аниқланган вақт ўртасидаги оралик вақт») (17:

3/531, 598).

2.□□□ Мухаммад ал- Исфандиёрий (750/1349 нилда хаёт бўлган)

Мухаммад ибн Мухаммад ал-Исфандиёрий ал-Омулий — муаррих олим бўлган. Унинг асарларидан: «Тариху Табаристон» Табаристон тарихи») (17: 3/627).

13.□□□ Мухаммад ал- Омулий (ваф. 753/1352 й.)

(Иззудин) Мухаммад ибн Махмуд ал-Омулий — фозил одам бўлган. Унинг асарларидан: «Шарху куллиёти-л-Конун» (Ибн Сино каламига мансуб бўлган «ал-Конун фи-т- тибб» тўпламига шарх»),

Нафоису-л-фунун фи ароъиси-л-уйун» («Илм- фанлар»нинг нафис жихатлари ва манбаларнинг келинчаклари» — форсча) (15: 6/159; 17: 3/701).

14.□□□ Мухаммад ал- Омулий (744/1343 йилда хаёт бўлган)

(Шамсуддин) Мухаммад ибн Махмуд ибн Мухаммад нон Али ибн Юсуф ал-Кокиёний ал-Хуроний ал- Анзоний ал-Омулий — шоир, лугатшунос, усул ал- фикх ва илм-фаннинг бошка сохалари билан шугулланган олим. Унинг каламига мансуб бўлган кўпгина асарлар бор (17: 3/ 707).

15.□□□ □ Иброхим ал-Омулий (ваф. 295 х.й.)

(Абу Исхок) Иброхим ибн Бишор ал-Омулий. У бошкалардан, ундан эса бошкалар хадис айтганлар. 295 х.й.да вафот этган (2: 1/77)

16.□□□ Абдуллох ал- Омулий (ваф. 269/882 й.)

(Абу Абдуррахмон) Абдуллох ибн Хаммод ибн Айюб ибн Мусо ал- Омулий. У бошкалардан, ундан эса уламолар хадис айтганлар. 269 х.й. рабиъу- с-соний ойида вафот этган (2: 1/78; 11: 1/67).

17.□□□ □ Халаф ал-Омулий

Халаф ибн Мухаммад ал-Хайём ал-Омулий (2: 1/78)

18.□□□ Ахмад ал-Омулий (ваф. 299 х.й.)

Ахмад ибн Абдат ал- Омулий ўзигача бўлган уламолардан, ундан эса бошка уламолар хадис ривоят қилганлар. 299 х.й.да вафот этган (2: 1/78; 11: 1/67).

19.□□□ □ Мусо ал-Омулий

Мусо ибн ал-Хасан ал- Омулий. У уламолар айтган хадисларни тинглаган ва, ўз навбатида, уламолар ҳам ундан хадис ривоят қилганлар (2: 1/78).

20.□□□ Ал-Фазл ал- Омулий

(Абулаббос) ал-Фазл ибн Ахмад ибн Сахл ибн Сайд ибн Тамим ал- Омулий. Бухорода хадис айтган, уламолар ундан хадис ривоят қилганлар (2: 1/78; 11: 1/67).

21.□□□ Убайдуллох ал- Омулий (338 х.й.да хаёт бўлган)

(Абу Мухаммад) Убайдуллох ибн Али ал- Омулий. Бағдоддаги Яхё бозорида 338 х.й.да хадис айтган (11: 1/67).

22.□□□ Мухаммад ал- Омулий

(Абу Сайд) Мухаммад ибн Ахмад ибн Алавия ал-Омулий (2: 1/78; 11: 1/ 67).

23.□□□ Ал-Лайсий ал- Омулий

(Абу Наср) ал-Лайсий ибн Жаъфар ибн ал- Лайсий ал-Бухорий ал- Омулий. У уламолардан, уламолар эса ундан хадис ривоят қилганлар (11: 1/ 67).

24.□□□ Исхок ал-Омулий

(Абу Яъқуб) Исхок ибн Яъқуб ибн Иброхим ибн Исхок ал-Омулий. У Бағдодда хадис айтган ва ундан бошкалар хадис айтганлар (2: 1/78).

25. Ахмад ал-Омулий

Ахмад ибн Мухаммад ибн Исхок ибн Хорун ал- Омулий (2: 1/78; 11: 1/67).